



Ислом – тинчлик ва эзгулик дини



Давлатимиз раҳбари 2023 йил 19 сентябрь кунини Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 78-сессиясида “Ислом – тинчлик ва эзгулик дини” мавзuida халқаро конференция ўтказиш ташаббусини илгари сургани эди.

15-16 октябрь кунлари Тошкент ва Хива шаҳарларида бўлиб ўтган “Ислом – тинчлик

ва эзгулик дини” мавзuidaги нуфузли халқаро анжуман ана шу ташаббусининг амалий исботидир.

Анжуманда Саудия Арабистони, Миср, Туркия, Иордания, Ўмон, Россия, АҚШ, Франция, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон, Ҳиндистон ва Покистон каби дунёнинг йигирма икки мамлакатидан етмишдан

ортик нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари, Ислом оламининг машҳур уламолари, муфтийлар, дин ва давлат арбоблари иштирок этди.

Муҳйиддин АБВОМА, Ибн Халдун университети “Дорул ҳадис ал-Аввомия” маркази раиси, профессор: – Исломнинг асл маъносини англаш, ёшларга етказиш бугунги даврнинг энг долзарб масаласидир.

5-бетда

Ислом сабоқлари

Ниятнинг аҳамияти

Динимизда ният жуда муҳим. Шунинг учун мўмин киши ниятнинг ўзига ҳам ажру савоб олиши, тақдирланиши мумкин. Бунинг учун у ниятига содиқ бўлиши, яъни “қодир бўлсам, албатта, ўша ишни қиламан”, деб азму қарор қилиши шарт.

Абу Кабша Анморий розияллоху анхудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва саллам айтадилар: **«Мен сизларга бир ҳадис айтаман, уни ёдлаб олинглар. Албатта, дунё тўрт нафарникидир. Биринчиси, Аллоҳ мол ва илм билан ризқлантирган банда. У моли борасида Раббига тақво қилиб, у билан силаи раҳмни боғлайди ҳамда ундаги Аллоҳнинг ҳаққини билади. Бу энг афзал даражадир.**

Иккинчи бандага Аллоҳ илмни ризқ қилиб берган-у, молни бермаган. Унинг нияти холис: “Агар менинг молим бўлганида, албатта, фалончи (саховатли солиҳ бой)нинг амалини қилар эдим”, дейди. У ниятига яраша (ажр) олади. Икковларининг ажри баробардир.

Учинчи бандага Аллоҳ молни ризқ қилиб берган, илм бермаган. У молини жоҳиллик билан сарфлайди. Моли борасида Раббига

тақво қилмайди, силаи раҳмни ҳам боғламайди. Молидаги Аллоҳнинг ҳаққини билмайди. Бу энг ёмон даражадир.

Тўртинчи бандага Аллоҳ таоло молни ҳам, илмни ҳам ризқ қилиб бермаган. У: “Агар молим бўлганида, албатта, фалончи (учинчи тоифадаги жоҳил исрофгар)нинг амалини қилар эдим”, дейди. У ниятига ярашасини олади. Икковларининг гуноҳи баробардир» (Имом Термизий ва Имом Ибн Можа ривояти).

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоху анхумодан ривоят қилинади. Набий алайҳиссалом марҳамат қиладилар: **“Аллоҳ таоло яхшиликлар ва гуноҳларни ёзиб, сўнг уларни баён қилди. Ким бир яхшиликни (бажаришга) ният қилса-ю, амалга оширолмаса, Аллоҳ таоло бунинг ўзининг ҳузурида унинг учун қилган яхшилик деб ёзади. Агар уни амалга оширсин, Аллоҳ таоло бунинг ўзининг ҳузурида унинг учун ўн тадан етти юзтагача, ундан ҳам кўпроқ яхшилик деб ёзади. Энди ким бир гуноҳ амални (бажаришга) ният қилса-ю, (кейин ниятидан қайтиб) амалга оширмаса, Аллоҳ таоло бунинг ўзининг ҳузурида унинг учун қилган яхшилик деб ёзади. Агар у ўша (гуноҳ**

иш)ни ният қилиб, амалга оширадиган бўлса, Аллоҳ таоло бунинг учун битта гуноҳ деб ёзади” (Муттафақун алайҳ).

Динимизда бунга далолат қилдиган асослар жуда кўп. Ҳаммасининг хулосаси шуки, ният мўминнинг энг катта сармоясидир. Зеро, солиҳ ниятнинг ўзи – савоб. Бу билан ният қилиб қўйса бўлди, амал шарт эмас деган тушунчага бормаслик керак. Чунки мўмин аслида яхшиликни амалга оширишни кўзлаб ният қилади. Амалга оширолмади қолган тақдирда ҳам Аллоҳ таоло уни ўша ишнинг ажридан бебаҳра қолдирмайди – амалга оширди деб ёзиб қўяди. Агар амалга оширса, ихлосига қараб ўн тадан етти юзтагача, балки ундан ҳам кўпроқ ажр-савоб ёзади. Шунинг учун банда доимо солиҳ амалларни кўзлаши ва ниятига содиқ бўлиши лозим. Зеро, Набий алайҳиссалом: **“Мўминнинг нияти амалидан яхшироқдир”**, деб марҳамат қилганлар (Имом Табароний ривояти).

Баҳриддин МИРЗАЕВ,

Сариосий тумани “Эшонқулжон бобо” жоме масжиди имом-хатиби

Сийрат ойи

Шамоили Муҳаммадия

«Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва саллам бир туяга миниб, ҳаж қилдилар. Унинг тўқимлари эски, устидаги чодирининг қиймати тўрт тангага ҳам баҳоланмас эди. Жаноб шу ҳолда (яъни, шунчалик оддий ва содда аҳволда бўлишларига қарамай.) бу дуони ўқир эдилар: **“Аллоҳим, менинг бу ҳажимни рийъ ва сумъадан пок бир ҳаж қилгин!”**»

Хусайн розияллоху анху айтади: «Мен отамдан Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва салламнинг уйига киришлари ҳақида сўрадим. Отам дедилар: “Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва саллам қачон уйларига кирсалар, уйдаги вақтларини учга тақсимлар эдилар. Бир ҳиссасини Аллоҳнинг ибодатига ва шунга тааллуқли ишларга бағишлар эдилар, бир ҳиссасини уйдагилар ҳақларини адо қилмоқ ва улар билан ўтириб, сўзлашиб, аҳволларини билмоқ каби ишларга бағишлар эдилар, бир ҳиссасини эса ўзларининг заруратлари ва шахсий ишларига ажратар эдилар. Кейин шу ўзларига хос бўлган ҳиссани иккига бўлиб, ўзлари билан одамлар ўртасида тақсим қилар эдилар. Ўша ҳиссадан хосларни сабаб қилиб, авомга наф тегизар эдилар (яъни, суҳбатларидан хослар истифода қилар ва улар орқали оммага наф етар эди)»».

“Шамоили Муҳаммадия” асаридан

«У зот саводсизлар ичидан, гарчи улар бундан аввал очик залолатда бўлсалар ҳам, уларга оятларини ўқиб берадиган ва уларни поклайдиган ҳамда китобни ва ҳикматни ўргатадиган Пайғамбарни юборди» (Жумъа сураси, 2-оят).

Яъни, Аллоҳ таоло аксар инсонлари ўқишни ва ёзишни яхши билмайдиган арабларга ўзларидан бўлган уммий элчини юборди. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоху анхумодан ривоят қилган ҳадисда: «Албатта, биз ёзишни ва ҳисобни билмайдиган уммий умматмиз», дейилган (Имом Бухорий, Имом Муслим, Имом Абу Довуд ва Имом Насойй ривояти).

Анкабут сурасининг 48-оятида Аллоҳ таоло: «Сиз илгари бирор китобни тиловат қилувчи эмас

Рисолатлари барча инсонлар учун

эдингиз ва қўлингиз билан хат ҳам ёзган эмас эдингиз. Акс ҳолда, бузғунчилар, албатта, шубҳага тушган бўлур эдилар», деб марҳамат қилган.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўқишни ҳам, ёзишни ҳам билмайдиган, бирор кишидан таълим олмаганликларига қарамай, умматларига уларни дунёю охира тиловат қилиб берадиганларидан поклайдиган Куръон оятларини тиловат қилиб берар эдилар. Гарчи қавмлари жоҳилият замонида очик-ойдин залолатда бўлсалар-да, у зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам уларга Куръон, суннат ва шариат аҳкомларидан таълим берар эдилар. Зеро, улар қадимда Иброҳим алайҳиссаломнинг динини маҳкам тутган эдилар. Лекин аҳли китоблар каби у (дин) ни ўзгартириб, тавҳидни ширкка

алмаштирган ва Аллоҳ таоло изн бермаган нарсаларни ўйлаб топган эдилар.

Сўнгра Аллоҳ таоло Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламни арабларни ёлғиз ўзига эмас, балки бутун инсониятни қамраб олувчи комил шариат билан расул қилиб юборди. У зотга нозил қилган қаломда эса инсоннинг дунё ва охира учун муҳтож бўладиган барча нарсаларни баён қилиб, уларни жаннатга ва Ўзининг розилигига олиб борадиган нарсаларга чақирди. Жаҳаннамга ва Ўзининг ғазабига олиб борадиган нарсалардан эса қайтарди.

Ояти каримада уммий арабларга юборилди деб зикр билан хосланди. Чунки Пайғамбар алайҳиссалом уларга хоссатан, жамики инсонларга эса омматан расул қилиб юборилганлар. Аъроф сурасининг 158-оятида: «Айтинг (эй

Муҳаммад!): “Эй одамлар! Мен сизларнинг барчангизга (юборилган) Аллоҳнинг расули (элчиси) дирман...”» дейилган. Демак, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг рисолатлари фақат арабларга эмас, балки қиёматгача келадиган барча инсонлар учундир.

Имом Мовардий раҳимахуллоҳ Набий алайҳиссаломнинг уммий элчи қилиб юборилишида учта сабабни зикр қилган: биринчиси, олдинги анбиёлар башоратларига мувофиқ бўлишлари учун; иккинчиси, у зотнинг ҳолатлари умматларининг ҳолатига ўхшаш бўлиши учун; учинчиси, у зотга ваҳий қилинган Куръонни ва сир-асрорларни таълим беришлари борасидаги ёмон гумонни кетказиш учун.

Манбалар асосида “Қўқалдош”
ўрта махсус ислом билим юрти мударриси
Авазбек ЖУМАБОВ тайёрлади.

Ҳадис шарҳи

Абу Бакра Нафиъ ибн Ҳорис розияллоху анху ривоят қилади: «Бир киши: “Ё Расулуллоҳ, инсонларнинг яхшиси ким?” деб сўради. У зот: “Умри узун, амаллари гўзал бўлгани”, дедилар. “Одамларнинг ёмони ким?” дея яна сўради у. У зот: “Умри узун, амали ёмон бўлгани”, дедилар» (Имом Термизий ривояти).

Абдуллоҳ ибн Буср Мозаний розияллоху анхумо айтди: «Икки аъробий Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келди. Улардан бири: “Ё Расулуллоҳ, инсонларнинг яхшиси ким?” деб сўради. У зот: “Умри узун, амаллари гўзал бўлган кишига тубо бўлсин!” дедилар. Иккинчиси эса: “Қайси амал яхши?” деб сўради. У зот: “Дунёдан узилмоғинг ва тилингни Аллоҳнинг зикри билан

намлантirmoғинг”, дедилар» (Абу Нуайм “Ҳиля”да келтирган).

Яхши амаллар билан ўтган узоқ умр – ҳавас қилгули, аксинча, ёмон амаллар билан ўтган узоқ умр – паноҳ сўраладиган ишлардандир.

Ушбу ҳадисда қайси инсоннинг аҳволи афзал экани ҳақида сўз бормоқда. Унинг сифатлари ва аломатлари ҳақида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай хабар бердилар: “Умри узун, амаллари гўзал бўлгани”. Яъни, кимнинг умри узун бўлиб, уни яхши амаллар билан ўтказса, ўша киши инсонларнинг энг яхшисидир. Чунки умрининг узайиши баробарида у солиҳ амалларни – тоат-ибодат, эзгу ишларни янада кўпроқ қилишга муваффақ бўлади, даражаси кўтарилиб бораверади. Бундай ҳаёт бандани икки дунё саводатига сазовор қилади.

Набий алайҳиссалом одамларнинг аҳволи ёмонроғи, унинг сифатлари ва аломатлари ҳақида ҳам хабар бердилар: “Умри узун, амали ёмон бўлгани”. Яъни, кимнинг умри узун бўлиб, уни ёмон амаллар билан

ўтказса, ўша киши инсонларнинг энг ёмонидир. Чунки умрининг узайиши баробарида унинг гуноҳ, маъсиятлари, ёмон ишлари ортиб бораверади, натижада даражаси ҳам пастлайди. Бундай ҳаёт икки дунё бахтсизлиги аломатидир.

“Дунёдан узилмоғинг”, яъни ўлимга тайёргарлик кўрмоғинг.

“Тилингни Аллоҳнинг зикри билан намлантirmoғинг”, яъни Аллоҳ таолонинг зикрида бардавом бўлиш: тасбеҳ, таҳмид, таҳлил, истиффор каби зикрларни айтиб юриш.

Набий алайҳиссаломат уассалам кўплаб ҳадисларида одамларнинг яхшиси ва ёмонини бошқа сифатлар билан зикр қилганлар. Амалларнинг яхшиси ва ёмони борасида ҳам шундай. Чунки ўша ҳадисларнинг ҳар бири сўровчининг ҳолидан ёки ўша пайтдаги ҳолатдан келиб чиқиб ёки аҳволлари турлича бўлган умматларига таълим бўлсин учун турли кўри-нишларда айтилган.

Ҳадисдан олинадиган фойдалар:

– ҳаётининг давом этиши бароба-



рида тоат-ибодатларни, яхши амалларни кўпайтириш;

– солиҳ кишининг умри узун бўлиши яхшилик аломати, фосиқ кишининг умри узун бўлиши ёмонлик аломати;

– фарзлардан бошқа ибодатларда енгиллик борлиги ҳамда ҳар бир кишининг ҳолатларига муносиб бўлган ишлар ҳақида хабар бериш мумкинлиги.

Манбалар асосида
“Хожа Бухорий” мадрасаси
мударриси
Мақсуд МАХСУМОВ тайёрлади.

Зарурий фикр



Ухлаб қолиб намозни ўтказиб юбормоқ

Абу Қатода розияллоху анху-дан ривоят қилинди: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга (одамлар) ухлаб қолиб намозни ўтказиб юборишгани ҳақида айтиб беришди. Шунда у зот: “Тафрит (айбдорлик) уйқуда эмас. Тафрит фақат уйғоқлик ҳолатидадир. Сизлардан бирортангиз намозни унутса ёки

ухлаб қолиб ўтказиб юборса, ёдига тушган заҳоти дарҳол ўқиб олсин”, дедилар».

ИЗОҲ. Имом Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳнинг қавлига кўра, куёш айна чиқаётган бўлса, то чиқиб бўлгунча ва айна ботаётган бўлса, то ботиб булгунча намоз ўқилмайди.

(Куёш ботмай туриб, аср намозининг икки ёки бир ракатига улгурган бўлса, қолганини тамомлаб олади. Бомдодни ўқиётганида куёш чиқиб қолса, қазо қилади).

“Сунани Термизий”дан.
Таржимон ва изоҳ муаллифи
Мирзо КЕНЖАБЕК



Улуғ неъматни қадрлайлик

Сўнгги йилларда ақидапараст оқимлар меҳнат муҳожирларини таъсир доирасига олиш, диний экстремистик мазмундаги материалларни электрон кўринишда тарқатиш, интернетда бузғунчи ғояларни тарғиб этиш орқали ёшларни қармоққа илинтиришга уринмоқда. Афсуски, баъзи ҳолатларда улар мақсадига эришяпти ҳам. “Ҳижрат” ва “жиҳод”га ундовчи сохта чақириқларга учиб, айрим ёшлар нотинч диёрларга бориб, уруш ҳаракатларига араллашиб кетмоқдалар. Оқибатда кўпчилиги хорликка учраб ўлим топаётир.

Фожа шундаки, онги заҳарланган бу кимсалар динни ниқоб қилиб олган кучларнинг бузғунчи фаолиятини Исломни дунёга ёйишга, исломий давлат барпо этган ҳолда Ер юзида адолат ўрнатишга қаратилган ҳаракат деб тушунишади. Бундай фикрловчилар минтақамизда, хусусан, Ўзбекистонда ҳам учраши афсусланарлидир. Улар инсониятга қарши содир этилаётган жиноятларни гўё халифалик қуриш учун жоиз амал ҳисоблаб, қаттиқ адашмоқдалар. Аслида, мутаассиб оқим аъзоларининг мақсади – ёшларимизни оиласи ва яқинларига қарши қўйиш, ўқиши ёки ишидан ажратиб олиш, охир-оқибатда кулролли тўқнашувлар кетаётган мамлакатларга жўнатиб, манкурт-жангари ёки “тирик бомба”га айлантиришдан иборат. Бу йўлда улар “жиҳод”, “ҳижрат”, “шаҳидлик”, “куфр” каби диний тушунчалардан усталлик билан фойдаланишмоқда. Ҳолбуки, динимизда мўмин-мусулмонларнинг бир-бирларини куфрда

айблаш, таҳқирлаш, ўзаро низолашуви қаттиқ қораланган.

Муоз ибн Жабал розияллоху анҳудан ривоят қилинади. Набий алайҳиссалом марҳамат қиладилар: **«Кимнинг охирги сўзи “Лаа илаҳа иллаллоҳ” бўлса, жаннатга киради»** (Имом Абу Довуд ривояти).

Убода ибн Собит розияллоху анҳудан ривоят қилинади. Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам: **«Ким “Лаа илаҳа иллаллоҳу ва ашҳадунна Муҳаммадан расулulloх”, деб иқрор бўлса, Аллоҳ унга дўзахни ҳаром қилади»**, деб марҳамат қилганлар (Имом Муслим ривояти).

“Хулоса” асарида айтилади: “Агар мўмин кишини кофир ҳисоблашга бир қанча далиллар бўлган ҳолда, мўмин эканига битта далил бўлса, уни кофир эмас, деб фатво бериш муфтийга вожиб бўлади”.

Яна бир эътиборли жиҳат, сохта “дин ҳимоячилари”нинг асл юзи ўзларига эргашмаган барча мусулмонларни “кофир”га чиқариб, эркакларни қатл қилиб, аёллар ва болаларни кул сифатида сотишдек қабих ишларга қўл уришаётганида ҳам кўринади.

Баъзи адашган ёшлар аслида кимларга эргашаётгани, “валинеъмат”лари уларни қайси йўлга бошлаётгани, ўзлари эса қандай оғир гуноҳга ботаётганини билишганида эди, ҳеч қачон бу йўлга қадам босишмасди. Албатта, ҳаммасига илмсизлик, муқаддас динимизнинг асл моҳиятини чуқур англамаслик сабабдир.

Ақидапарастликни кенг ёйишга уринаётганлар динимизнинг ҳақиқий душманлари ҳисобланади.

Чунки уларнинг бутун қилмишлари мусулмонлар ўртасида фитна кўзғаш, уларнинг тинч ҳаётини бузиш, қонини тўкишдан иборат бўлиб, Исломни заифлаштиришга қаратилган.

Сохта дин даъватчиларининг асосий ўлжаси ҳаётда қийинчиликка учраган, муаммолар гирдобига тушиб қолган инсонлар ҳисобланади. Бундай одамларга “Шу аҳволга тушинингга биринчи ўринда ўзинг айбдорсан, шунинг учун ўзингни ислоҳ қилишга урин, сабрли бўл, қийинчиликларни енгиб чиқишга ҳаракат қил” деган насиҳатдан кўра, “Ҳаётдаги адолатсизликлар сабаб қийинчиликларга учраяпсан. Сен яшаб турган жамият ҳақсизликка тўла. Атрофингни ёмон одамлар қуршаб олган, улардан узоқлашининг керак” каби тарғиботлар ёқади. Оқибатда осонгина ёт оқимлар таъсирига тушиб, уларнинг қўлидаги қўғирчоққа айланади. Энди қаёққа бошқаришса, ўша томонга қараб юради.

Юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик сабаб ободлик, юксалиш, тараққиётга эришяпмиз. Аллоҳ бизга ато этган ушбу неъматнинг қадрига етишимиз, унга хавф солиши мумкин бўлган ҳар қандай ҳолатга эътиборсиз бўлмаслигимиз лозим. Қанчалик ҳамжиҳат, атрофимиздаги хавф-хатарлардан огоҳ бўлсак, бебаҳо бойлик бўлган тинчлигимизни асрашга ҳисса қўшган бўламиз.

Жаъфархон СЎФИЕВ,

Тўрақўрғон тумани “Исҳоқхон Тўра”
жоме масжиди имом-хатиби

Холис фикр

Замон Аллоҳнинг лашкарларидан биридир

Баъзилар: “Нега замон бунақа ўзи, тинчлик ва омонлик борми?” деб нолишга тушади. Эсдан чиқармайлик: замон Аллоҳнинг лашкарларидан биридир. Уни инсонлар орасида айлантиради. У бандаларига Ўзидан бошқа ҳеч нарса ўз ҳолида қолмаслигини кўрсатиб туради.

Фиръавн кишиларга зулм қилиб дер эди: “Миср диёри ва мана бу оёғим остидан оқаётган дарё меники эмасми?!” Аллоҳ таоло замонни бир айлантирди, ўша дарё унинг устидан оқди. Қани энди сенда бир пайтлар унинг саройида эмизишларини истаб йиғлаган чақалоқ бўлмиш Мусо алайҳиссаломнинг кўз ўнгида Жаброил алайҳиссалом Фиръавннинг оғзига лой тикаётганини кўриш имкони бўлганида эди!

Намруд: “Мен тирилтираман ва ўлдираман!” дер эди. Аллоҳ замонни бир айлантирди ва унга бир пашшани юборди. Пашша унинг қулоғига кириб ҳаётини остин-устин қилиб ташлади. Унинг бошига бир хизматкори кавуши билан уриб турса, оғриғи пасаяр эди. Бу хизматкор кечагина унга сажда қилаётган эди!

Қурайшликлар Расулulloх соллаллоху алайҳи ва салламнинг жонларига қасд қилиш мақсадида ҳар бир қабиладан биттадан йигитни танлади. Мақсади Набий алайҳиссаломнинг қонларини барча қабилага тарқатиш эди. Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам қоронғида Маккадан Мадинага чиқиб кетдилар. Аллоҳ замонни айлантирди ва Ўз Пайғамбарини ғолиб ҳолда Маккага қайтарди!

Агар сен Билол ибн Рабоҳни хўжайини Умайя қайноқ қумга ётқизиб устига харсангни қўйиб азоб берганини кўрганингда бу азобларнинг охири бормикин, дер эдинг. Сўнгра Аллоҳ замонни айлантирди. Икки гуруҳ учрашди. Билол розияллоху анҳу Умайянинг кўксига қилич санчди. Аллоҳнинг ҳикмати замонни айлантиришда экан!

Дўстим! Кунлар айланаверади. Гоҳида соғлиқ, гоҳида беморлик, гоҳида фақирлик, гоҳида бойлик, гоҳида шодлик, гоҳида маҳзунлик...

Токи кучли мағлуб бўлмасин, заиф умидсиз бўлмасин. Бой зулм қилмасин, фақир ноумид бўлмасин.

Абдулқодир ПОЛВОНОВ

Масала

Динда саволим бор...

САВОЛ: Микрофонни ёқмасдан азон айтиб қўйибман. Ёқиб қайта азон айтдим. Бунинг зарари йўқми?

ЖАВОБ: Зарурат туғилса, қайта азон айтишнинг зарари йўқ. Чунки азондан мақсад намоз вақти кирганини билдириш ва одамларни жамоатга чорлашдир. Мазкур мақсад ҳосил бўлмаган бўлса, қайта айтиш мумкин. Қолаверса, азонни икки марта айтиш шариатда бор. Бунга жума намозига икки марта азон айтиш мисол бўлади.

САВОЛ: Эҳромдалик вақтимда оёғим жароҳатланиб, қонади. Қонни тўхтайтиш учун мато билан боғлаб олдим. Бунинг зарари йўқми?

ЖАВОБ: Эҳромдаги киши бирор аъзосидаги жароҳатини боғлаб олишининг зарари йўқ. У билан жарима вожиб бўлмайди. “Эҳромдаги киши тана-сидаги бирор аъзосини бирор узр билан ёки узрсиз ҳолда боғлаб олса, унга ҳеч қандай жарима лозим бўлмайди. Лекин узрсиз бундай иш қилиши макруҳ саналади” (“Бадоеъус саноеъ”).

САВОЛ: Нисобга етмаган маблағим бор. Келажакда бой бўлиб қолсам, шундаги закотимдан деб берсам бўладими?

ЖАВОБ: Йўқ, берган пулингиз нафл садақа бўлади. Закотни олдиндан бериш учун маблағи нисобга етган, лекин бир қамарий йил тўлмаган бўлиши керак. Закот нисобида маблағи бор шахс бир неча йил учун олдиндан закот бериши мумкин.

“Закот беришга сабаб (нисобга етган мол) топилгани учун нисоб эгаси бир неча йиллар ёки бир неча нисоб закотини олдиндан бериши жоиз” (“Раддул муҳтор”).

САВОЛ: Қуръон тиловатидан кейин “Субҳана Роббика Роббил ғиззати...” оятларининг ўқилишига асос борми?

5-бетда

Пайғамбарлар мероси

Динимиз инсонларни илм олишга тарғиб қилади. Олимларга қилинадиган эътибор ҳақида Қуръони каримда бундай марҳамат қилинади: **«Аллоҳ сизлардан иймон келтирган ва илм ато этилган зотларни (юксак) даражаларга кўтарур»** (Мужодала сураси, 11-оят).

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам марҳамат қилганлар: **«Олимлар пайғамбарларнинг меросхўрларидир. Пайғамбарлар динор ёки дирҳам мерос қолдирмаганлар, балки илмни мерос қилиб қолдирганлар»** (Имом Абу Довуд ва Имом Термизий ривояти).

Ёмонликдан қайтариш

Яқинда бир танишимни учратиб қолдим. Дўкон очиб, тижоратини йўлга қўйганига кўп бўлмаганди. Саломлашиб, ҳол-аҳвол сўрагач, савдо қандай кетаётгани билан қизиқдим. Унинг айтишича, тижоратида унум йўқ экан. Бунга сабаб таниш-билиш, хеш-ақрабolarига нарсаларни насияга бераверган. Қайтаришга келганда эса, турли узр ва баҳоналар... Хуллас, одамларнинг бундай масъулиятсизлиги уни қийин аҳволга солиб қўйибди. Мени бу ҳол қаттиқ таажжублантирди: наҳот биз мусулмонлар қарз масаласида шу қадар бепарво бўлиб кетдик?!

Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: **«Ким одамларнинг молини (қарзга) олиб, уни адо этишни ирода қилса, уни Аллоҳ (Ўз ёрдами ила) адо этади. (Бировнинг молини) йўқ қилишни ният қилиб олган одамни Аллоҳ йўқ қилади»** (Имом Бухорий ривояти).

Демак, кўп нарса одамнинг кўнглидан кечадиган ниятига боғлиқ экан. У кимдандир қарз

Демак, илмдан қимматлироқ мерос бўлмайди. Моддий бойликлар сарфланиб йўқолади, илм эса авлоддан-авлодга ўтиб бораверади. Бошқа ҳадисда Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Илм Чин-Мочин (Хитой)да бўлса ҳам, уни излаб топиб, эгаллангиз. Зеро, илмни талаб қилиш ҳар бир мусулмонга фарздир»**, деганлар (Имом Ибн Адий ва Имом Байҳақий ривояти). Бундан ҳам диний, ҳам дунёвий илмларни талаб қилиш фарзлиги маълум бўлади.

Улуғ тобеин Ато ибн Абу Рабоҳ ўзининг фойдасиз нарсалардан

лаззатланишига йўл қўймади. У ортиқча нарсаларга чалғимай, бор вақтини илмга сарфлагани боис замонасининг етук олими даражасига кўтарилди.

Мусъаб ибн Зубайр ўғлига: **«Эй ўғлим, илм олгин. Агар молинг бўлса, у сенга кўрк-жамол, агар молинг бўлмаса, илм сенга мол бўлади»**, деди.

Абдулмалик ибн Марвон ўғилларига насиҳат қилди: **«Эй болаларим, илм олинглар. Саййид янглиғ мартабангиз ошади. Агар ўртаҳол бўлсангиз, саййид янглиғ бўласиз. Агар оддий (авом) бўлсангиз, хорлик кўрмайсиз»**.

Қарзни қайтармай юриш – зулм

олаётиб қайтаришни кўнглига тугса, Аллоҳ таоло ҳам унинг бу ниятини ижобат бўлишига ёрдам беради. Аксинча, қарз берувчини касодга учратишни мақсад қилса, унинг ҳолига вой.

Баъзилар **«барибир тўлайман-ку»**, деган қабилда дўкондан қарзга маҳсулот олаверади. Аввало, киши қарзга олаётган нарса унга ҳақиқатда зарурми, йўқми, зарур бўлса, қарзини ўз вақтида уза оладими-йўқми, шуларни обдон ўйлаб, кейин бир фикрга келсин. Олишни зарур деб топса, қайтаришига кўзи етса, қарз олса бўлади. Бўлмаса, бу ишга қўл урмагани маъқул.

Агар қарз олган киши ҳақиқатан ҳам ночор бўлса, қарзини қайтаришга имконияти бўлмаса, нима қилиши керак? Бу ҳақда Аллоҳ таоло: **«Агар (қарздор) қийналса, бойигунга қадар кутиш лозим. Агар билсангиз, (берган қарзингизни қарздорга) садақа қилиб юборишингиз ўзингиз учун яхшироқдир»**,

деб марҳамат қилади (Бақара сураси, 280-оят).

Аммо бунини бермай юраверса, қарз кечиб юборилар экан, деган маънода тушунмаслик керак. Бу ҳукм ҳақиқатда имкони бўлмаган қарздорларга тегишли, имкони бўлатуриб ўзини ночор кўрсатадиганларга эмас. Чунки қарзни ўз вақтида қайтариш – вожиб. Қодир бўлатуриб бермай юриш эса зулмдир. Набий алайҳиссалом: **«Бойнинг зиммасидаги қарзини бермасдан чўзиб юриши зулмдир»**, деганлар (Имом Бухорий ривояти).

Абу Мусо розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Аллоҳнинг наздида Аллоҳ наҳий қилган кабира гуноҳлардан кейинги энг оғир гуноҳ бир кишининг ўлиб, зиммасидаги қарзини узишга ҳеч нарса қолдирмаган ҳолда У Зотга йўлиқишидир»**, дедилар (Имом Абу Довуд ривояти).

Агар ҳамма илмларни эгаллашнинг иложи бўлмаса, у ҳолда энг муҳим ва энг керакли илмга эътибор қаратиш лозим. Илмлар ичида энг яхшиси ва афзали дин илмидир. Чунки инсонлар диний илмни билиш туфайли тўғри йўл топадилар ва уни билмаслик туфайли адашадилар. Адашиш оқибатида ватанига хиёнат қилиб қўйиши ҳамда ота-онанинг, элнинг қарғишига қолиш эҳтимоли бор.

Манфаатли илмни эгаллаб, юртимизга сидқидилдан хизмат қилиш барчамизга насиб этсин.

Зухриддин ТУРДИМАТОВ,

Учкўрғон тумани «Нурмуҳаммад бува»
жоме масжиди имом-хатиби

Газетхон илҳоми

Иймон сўрагин

Ҳар нафасинг ғанимат билгин,
Эл сўзини бир ҳикмат билгин.
Мудом борсан – яхшилик қилу
Яратгандан иймон сўрагин.

Кўнгил узра эккан гуллардан,
Баҳра олиб яшайсан ундан.
Руҳинг эса шодланар ҳар чоғ,
Яратгандан иймон сўрагин.

Нима эксанг, шуни ўрасан,
Хирмон бошда ўзинг турасан.
Донишлардан илм сўра сан,
Яратгандан иймон сўрагин.

Сен не қилсанг, авлодга мерос,
Авлодларинг ўсар шунга хос.
Чин юракдан қилгину ихлос,
Яратгандан иймон сўрагин.

Отамдайн

Кўзгинамдан оқади ёшим,
Не тошларга урилди бошим.
Сиз, акажон, бўлиб сирдошим,
Отам бўлиб артинг ёшимни.

Юрагимда кўпирар қоним,
Баъзан сезмас ҳатто жононим.
Керак бўлса берайин жоним,
Отам бўлиб артинг ёшимни.

Кўкда булут вазмин судралар,
Ҳаёт эса тинмай бурдалар.
Сиздан ўзга йўқдир меҳрибон,
Отам бўлиб артинг ёшимни.

Яшайпман барча сингари,
Ҳол сўрайди кимнинг жигари.
Дилдан кетмас армоннинг доғи,
Отам бўлиб артинг ёшимни.

Хоксорлик

Дунё фоний, бўлманг дилозор,
Меҳр-шафқат сотмайди бозор.
Орзуларимиз бўлса-да, бисёр,
Охиратни унутманг зинҳор.

Кўкрагингиз кериб юрмангиз,
Ўзгалардан устун кўрмангиз.
Тўғри сўзга ҳеч лаб бурмангиз,
Охиратни унутманг зинҳор.

Не казолар келиб кетдилар,
Ўзларин хон билиб ўтдилар.
Тупроқ ичра бориб ётдилар,
Охиратни унутманг зинҳор.

Ҳар ким келар бир оз фурсатга,
Ўзингизни урманг қулфатга.
Бир дам қулоқ солинг Шухратга,
Охиратни унутманг зинҳор.

Шухрат ТОИРОВ,

Сергели тумани

Аждодларнинг мўтадил йўли ғоятда муҳим



1-бетда

Мазкур анжуманнинг мақсади Ислом динининг мазмун-моҳияти, тинчликпарвар ва эзгулик дини эканини халқаро ҳамжамиятга тараннум этишдир.

Бу йўлда биз, мусулмон уламолари бирлашишимиз, эзгу мақсад сари ҳаракат қилишимиз зарур. Шундагина кўзланган улуғ мақсадларимизга етамиз.

Шайх Нуриддин ХОЛИҚНАЗАР, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий: — Бугунги кунда дунёнинг баъзи нуқталарида нотинчликлар бўлиб турган бир пайтда бу каби мулоқотларнинг ўрни нақадар катта.

Ислом — тинчлик, ҳамжиҳатлик ва омонлик динидир. Бақара сура-сининг 208-оятда: **“Эй иймон**

келтирганлар! Ёппасига тинч-лик ишига киришингиз!”, дея хитоб қилинишида ҳам тинчлик ва осудаликни таъминлашда ҳамма бирдек масъуллигига ишора бор. Қолаверса, ҳадиси шарифларда ҳам тинчлик ва омонлик — энг олий неъмат сифатида тарғиб этилади.

Назир Муҳаммад АЙЯД, Миср Араб Республикаси муфтийси: — Бу юртдан Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Доримий, Абу Мансур Мотуридий каби зотлар етишиб чиққан. Улар Ислом оламида ёрқин из қолдирган сиймолардир.

Мазкур анжуманнинг уламо-лари юртида ўтказилишида ҳам чуқур маъно бор. Ислом динининг тинч-лик ва осойишталикни тарғиб қилиши, бағрикенгликни таъкидла-шида ушбу етук уламо-ларнинг алоҳида ўрни бор.

Науризбай УТПЕНОВ, Қозоғис-тон мусулмонлари диний бошқар-маси раиси, бош муфтий: — Ўзбе-кистон Президенти Шавкат Мир-зиёев ташаббуси билан бўлиб ўта-ётган ушбу муҳташам анжуман, нафақат мусулмонлар учун, балки улар билан диний бағрикенглик та-мойиллари асосида умргузаронлик қилиб келаётган, қўни-қўшничилик муносабатларини олиб бораётган-лар учун ҳам хайрлидир.

Имом Бухорий, Имом Термизий, Хожа Аҳмад Яссавий, Сиғноқий каби алломалар ҳақни ботилдан ажратган, умматга тўғри йўлни ва ислом маърифатини кўрсатиб бер-ган зотлардир. Аждодларимизнинг мўтадил йўли ёшларни радикал ғоялардан асрашда ғоятда муҳим саналади. Бугунги анжуман айнан шу ҳақиқатни англатишга хизмат қилмоқда.

Мактубларда манзаралар

Сенга қараб мусулмонларга баҳо беришади...

Бугун ҳам одатдагидек бомдод намозини адо қилиш учун масжид-га йўл олдим. Машинамда оҳиста ке-тарканман, йўлақдан тез-тез юриб кетаётган отахонга кўзим тушди. Ма-шинани тўхтатдим: “Ота, чиқинг!” Отахон машинага ўтиргач, салом-алиқдан сўнг: “Масжидгами?” деб сўрадим. “Ишга!” деди отахон.

Тормозни қандай босганимни билмай қолдим. “Кечирасиз, мен масжидга кетаётгандим!” Оҳан-гимдан: “Қани, машинадан ту-шинг-чи”, деган маънони англаш қи-йин эмасди.

Отахон: “Хўп-хўп”, деганича ма-шинадан тушиб қолди. Машинани ғизиллатиб ҳайдаб кетарканман, ўзимни юз фоиз ҳақ деб ўйлардим.

Намоздан сўнг масжиддан чиқа-ётиб ҳалиги отахонни кўрдим. Не-гадир алдангандек ҳис қилдим ўзимни. Ёки мени синадимикан?

Билагидан тутдим: “Ота, бу нима-си? Ишга дегандингиз-ку?!” “Нега тилимга бу сўз келди, билмайман?” дея отахон маъноли жилмайди. Жуда уятда қолдим. Ер ёрилса-ю, ки-риб кетсам. Ахир отам тенги одам-ни машинадан тушириб юборган-дим. Нима дейишни билмай, ўзим-ни оқлашга киришдим:

— Ота, шу десангиз... мен ибо-датдан жуда кўп яхшилик топдим. Шу сабаб унга жуда маҳкамман... Юринг, ота, ишхонангизга обориб кўяман.

— Йўқ, ўғлим, овора бўлма!
— Йўқ деманг энди, шусиз ҳам ол-дингизда қаттиқ хижолатдаман...

— Майли.
Машинада бироз жим кет-гач, журъат қилиб отахонни гапга тутдим:

— Мендан хафа бўлдиз-а боя?
— Йўқ, ўғлим, нега хафа бўлай?

Машина сеники, хоҳлаган ода-мингни чиқарасан.. Сендан хафа бўлмадим. Аммо бир нарсани ай-тай... Ҳар бир инсоннинг зиммаси-да турли масъулиятлар бўлади. Му-сулмоннинг масъулияти ҳаммасидан муҳимроқ. Чунки одамлар унга қа-раб мусулмонлик фазилатларини қи-диришади. Агар унда бирор хатони кўришса, бир инсоннинг эмас, мусул-монларнинг хатоси деб баҳолайди. Шундай экан, мусулмон киши муо-малада эҳтиёт бўлиши керак.

Агар сен мени машинангдан ту-ширмай: “Отахон, бироз кутиб ту-ринг, узоғи билан ўн дақиқада чиқа-ман. Кейин ишингизга ташлаб кўя-ман” десанг, ҳар қандай кўнгли тош одам ҳам сенга эргашади. Мусул-монларга нисбатан яхши фикр уй-ғонишига васила бўласан.

Нигора МИРЗАЕВА оққа кўчирди.

Масала

3-бетда

ЖАВОБ: Қуръон қироа-тидан кейин Соффат сура-сининг охириги уч оятини ўқиш бизнинг диёрларда тарқалган гўзал одатдир. Шайбидан ривоят қили-нади. Расулulloҳ соллал-лоҳу алайҳи ва саллам: **«Кимни амали тўлиқ ўл-чов ила ўлчаниши хурсанд қилса, мажлисининг охирида туришдан аввал: “Субҳа-на Роббика Роббил ғиззати ғамма йасифун ва саламун ғалал мурсалийн валҳамду лиллаҳи Роббил ғаламийн”-ни ўқисин»**, деганлар (Ибн Абу Ҳотим ривояти).

Қуръон қироати ҳам алоҳида мажлис, яъни мустақил амал ҳисобла-нади. Қуръон тиловатини ушбу оятлар билан якун-лаш мазкур ҳадисга муво-фиқдир. Аммо ушбу оятни қироатдан кейин ўқиш фарз, вожиб ёки суннат амал эмас. Кимдир ўқи-маса, гуноҳкор бўлмай-ди. Бундан ташқари, ил-мий-маърифий ёки бош-қа турдаги суҳбатлар якунида ҳам мазкур оят-ларни ўқиш маҳбуб амал саналади.

САВОЛ: Ака закотини олийгоҳда ўқийдиган синг-лиснинг шартномаси учун сарфласа бўладими?

ЖАВОБ: Закотни ҳақ-дорга мулк қилиб бериш шарт. Шунинг учун ака закот пулини синг-лиси-га берсин. У истаса, пул-ни шартномасига тўла-ши ёки бошқа эҳтиёжга ишлатиши мумкин. Таъ-кидлаш лозим, сингил за-кот олишга лойиқ бўли-ши, яъни унинг эҳтиёж-ларидан ортиқча нарсалари кумуш закот нисоби (85 грамм)га етмаган бўли-ши шарт. Акс ҳолда, закот олиши мумкин эмас.

“Закот берувчи шахс за-котидан фақирнинг қар-зини тўлади. Агар бу ишни фақирнинг буйруғи билан қилган бўлса, закоти ўта-ди. Фақирнинг буйруғи-сиз тўлаган бўлса, фақир-нинг қарзи узилса-да, за-котга ўтмайди” (“Фатавойи Оламғирия”).

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво маркази.
Тел. 78-150-33-44

Араб ботаникасининг асосчиси

Ботаник Абу Ҳанифа Диноварий Андалусияда, мусулмон Испаниясида яшади. 1908 йилда немис олими Силберберг Бреслауда Диноварий ижодини чоп этди ва 400 га яқин ўсимликлар тавсифини ўз ичига олган тезисида маълум қилди. Бироқ, Бруно Силберберг омон қолган олти китобдан атиги икки жилди ҳақида маълумот қолдирди.

Абу Ҳанифа Диноварий олти жилддан иборат “Китоб ан-Набот” (“Ўсимликлар китоби”) асарини таълиф этиб, араб ботаникасининг асосчисига айланди. Олти жилдли тўпламдан фақат учинчи ва бешинчи жилди сақланиб қолган. Шундай бўлса-да, кейинги асрларда ёзилган асарлардаги

иктибослар асосида қолгани ҳам қисман тикланди. Олимнинг алифбо ҳарфлари бўйича тартибланган китобида 637 та ўсимлик тури бор.

“Ўсимликлар китоби”нинг биринчи қисмида астрономик ва метеорологик тушунчалар: сайёра ва буржлар, қуёш ва ой фазалари, фасл, ёмғир, қор ва тошқинлар, шамол, момақалдирик, чакмоқ каби ҳодисалари тасвирланди (*Encyclopedia of the History of Arabic Science*).

Диноварий асар бошида турли тупроқлар, улардан экин учун фойдалилари, хусусиятли ва фазилатлиларини тушунтирди. Шунингдек, ўсимликнинг ўсиш босқичи, гул ва меваларнинг пайдо бўлишини ёритиб берди. Кейин дон, узум ва хурмо каби турли экинларнинг ривожланиши ҳақида сўз юритди. Ўзидан олдинги олимларнинг билимига таяниб, дарахт, тоғ, текислик, чўл, ўрмон ва хушбўй ўсимликлар ҳамда бўёқ

ва асал нектари олинадиган ўсимликларни тушунтирди.

Олимнинг “Ўсимликлар китоби” астрономия ва метеорология каби бошқа турли мавзуларни қамраса ҳам, асар илмий ботаника терминологиясидан фойдаланишда ажойиб қўлланмадир (*Sezgin: The Istanbul Museum for the History of Science and Technology in Islam*).

Фуат Сизгин мусулмонлар эришган ютуқлари ҳақида айтган сўзлари жуда ўринли: «1910–1911 йилларда Бруно Силберберг китобнинг мавжуд қисмлари асосида олиб борган тадқиқотлари Абу Ҳанифанинг ботаника тавсифлари Диоскориднинг “Материя медиса” асари билан тенглаштирилганини кўрсатади. Қадимги юнон фармакологи Диоскорид тавсифлари Абу Ҳанифанинг “Китоб ан-Набот” китобидаги тасвирларнинг ўзгаришига туртки бўлди. Биринчисининг мақсади соф амалиётга асосланиб ўқувчига дала ўсимликларини аниқлашда ёрдам берса,

Абу Ҳанифанинг мақсади ўсимлик морфологиясининг кўп қиррали навларини ёритди. Силберберг китобни тадқиқ қилиш жараёнини эслаб: “Қандай қилиб Ислом аҳли ўз адабиётининг дастлабки давриданоқ доно юнонлар даражасига етиши, ҳатто улардан ошиб кетиши мумкин?” деб ҳайратга тушарди».

Диноварий Шайбоний, Ибн Арабий, Баҳилий ва Ибн Сиккит сингари бошқа мусулмон олимларининг ботаникага оид асарларидан иқтибос келтирган. Унинг асарлари кейинги аср олимларининг илмий ишларини давом эттириши учун пойдевор вазифасини ўтади. Абу Ҳанифанинг кўпгина илмий ижоди ҳали ўрганилмаган, қолган қисми эса ўз тадқиқотчиларини ўрганилиш учун неча йиллардан бери кутиб қолмоқда.

Манбалар асосида
Мунаввар НИЁЗАЛИЕВА
тайёрлади.

Бўлган воқеа

Ўзгаларга қувонч улашиш завқи

Зарур онларда кимларгадир ёрдамингиз тегса, бирор мушкулени аритсангиз, оғирини енгил қилсангиз, улар шодланадилар, лекин улардан кўпроқ ўзингиз қувонасиз.

Бундан анча йиллар муқаддам... Қишнинг совуқ кунлари эди. Туман марказидан уйга қайтардим. Машинамга ёнилғи қуйиш учун йўл ёқасидаги шохобчага бурилдим. Кираверишда атрофига 3-4 одам тўпланиб турган “Жигули” машинаси диққатимни тортди. Турганлардан бири ишора билан тўхташимни сўради. Салом бериб уларга яқинлашдим:

— Хизмат, акалар?
— Ука, биз меҳмонмиз, — деб гап бошлади ёши каттаси. — Машинани

укам ҳайдарди. Кодланган қулф ўрнатилган экан. Мен буни билмас эканман, кодини сўрамасдан йўлга чиқиб келаверибман. Машинага ёнилғи қуймоқчийдик, бакни очолмаяпмиз. Икки соатдан буён уриняпмиз, лекин натижа чиқмаяпти. Бола-чақаям совуқда қолди. Мабодо шундай масалага ишингиз тушган бўлса, бир уриниб кўрасизми, дегандик...

— Кодланган қулфга ҳеч ишим тушмаган. Лекин уриниб кўраман. Худо хоҳласа, очилиб кетар!

Ҳақиқатан ҳам, бундай қулфларни очишни билмасдим. Ўша пайтларда ҳозиргидек ҳамманинг қўлида телефон бўлмас, айна дамда меҳмоннинг укаси билан ҳам боғланиш имкони йўқ эди.

Қатор рақамлар орасидан бакни очиш рақамини топиш... таваккал қилишдан бошқа чора йўқ. Қалбимда Аллоҳдан мадад сўраб мусофирлар ҳақида дуо қилдим.

Бакнинг ялтироқ металл қопқоғига гир айлантириб рақамлар ёзилган, ўртасида уни очиб ёпадиган қопқоқча. Шу пайтда қардадир ўқиганим ёки эшитганим — кодланган темир қутиларни очишда код рақамларини тўғри терсанг, билинар-билинемас белги бериши ҳақидаги фикр хаёлимдан ўтди. Вужудим қулоққа, бармоқларим сезгига айланди. Мен қопқоқ мурватини секин-аста айлантира бошладим. Қайсидир рақамга келганда, ҳаракат енгил кўчаётгандек бўлди. Такрор бураганимда ҳам

шу ҳолатни ҳис этдим. Бу рақам код рақамларидан бўлиши мумкин, деб белгилаб қўйдим. Шу тариқа бошқаларини ҳам белгилаб олиб, бак ҳалқасини бураган эдим, очилиб кетди. Бундан ўзим ҳам ҳайрон қувончда эдим. Меҳмонларнинг хурсандчилигини айтмай-сизми? Йўлга тушиб кетгунларича менга миннатдорлик билдиришди. Уларнинг мушкулени аритиб, хурсандчилик улашганимдан ўзим шундай қувондимки, бундай қувончни бошқа нарсалардан тополмайсиз. Бунинг учун Аллоҳга ҳамду сано айтаман.

Нуриддин ҚЎЛДОШЕВ,
Шароф Рашидов тумани

Ибратли ҳикоялар

Кибрнинг касофати

Бир авлиё зот кўчада кетаётиб, тўп ўйнаётган болаларга кўзи тушди ва уларга деди:

— Болаларим, бу тўп сизларга нима гуноҳ қилди? Нега уни ҳадеб тепасизлар?

Улардан шўхроғи авлиёни девонасифат деб ўйлаб, масхаралади:

— Тўпнинг олдида турибсиз, ўзидан сўрай қолинг.

У зот тўпга қараб, индамай турди. Шунда ҳалиги бола:

— Сўрадингизми, тўп нима деди? — деса, авлиё бундай жавоб берди:

— Тўп дедик: “Бошимга озгина ҳаво тўлиб қолган экан, шунга тепки еяпман”.

Хулоса: Кимнинг боши кибру ҳаво билан тўлиб қолса, у одамни Аллоҳ хор қилади.

Ибн Синонинг устози Кушёрнинг хузурига бир киши юдузлар илмини ўрганиш мақсадида келди. Уч ой ўтса ҳам олим дарс бермагач, у узрини билдирди:

— Ҳазрат, энди менга жавоб берсангиз. Шунча кутдим, дарс бермадингиз. Вақтингиз йўқ, шекилли...

— Бажонидил дарс берардим-у,

лекин сен хузуримга келгандаги “бу илмдан унча-мунча хабарим бор” деган кибр-ҳавойинг ҳали ҳам кетмади. Мен пок идишга сув қуяман. Афсус, сенинг қалбингда кибр-ҳаво ғубори бор экан.

Хулоса: Кибр бор қалбга илм кирмайди.

Тўлқин ШЕРНАЕВ

Ислом шариати асослари

Китоб, яъни Қуръони карим – шариатнинг биринчи манбаси. Аллоҳ таоло: «Сизга ҳамма нарсани баён қилиб берувчи, ҳидоят, раҳмат ва мусулмонлар учун башорат бўлган Китобни нозил қилдик» (Наҳл сураси, 89-оят), «Китобда бирор нарсани (назардан четда) қолдирмаганмиз», (Анъом сураси, 38-оят) деб марҳамат қилади. Ҳадиси шарифда: «Ҳақиқатан, бу Қуръон Аллоҳнинг метин арқони, ёрқин нур, фойдали шифо ва уни тутган киши адашмайди, унга эргашган киши нажот топади», дейилган.

“Қуръон – Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга араб тилида нозил қилинган, мутавотир тарзда нақл этилган, Фотиҳа сураси билан бошланиб, ан-Нос сураси билан ниҳоясига етган китобдир”.

Ушбу таърифга кўра, Қуръоннинг таржимаси – сўзма-сўз ёки маъно таржима бўлишидан қатъи назар – тафсир деб аталади. Мутавотир тарзда нақл қилинмаган нодир қироатлар ҳукми ҳам шундай. Бунга Абдуллоҳ ибн Масъуд ва Убай ибн Каъб розияллоҳу анҳумонинг ушбу қироати:

«**Хотинларидан қасам билан воз кечганлар учун тўрт ой муҳлат бор. Агар (шу муддат ичида) “уларга” қайтсалар (жоиздир), зеро, Аллоҳ кечиримли ва раҳмлидир»** (Бақара сураси, 226-оят) ҳамда Бақара сурасининг 233-оятидаги: «**Меросхўр – “маҳрам бўлган қариндош”нинг зиммасида ҳам худди шундай** (нафақа масъулияти бор)» жумласини мисол қилиш мумкин. Қуръони каримда аксар ҳукмлар умумий тарзда келтирилади. Уларнинг тафсилот ва изоҳларини суннат баён қилиб беради.

Қуръон турли воқеа-ҳодисалар муносабати билан ва муайян масаланинг ҳукми, жавоби ўлароқ йигирма уч йил мобайнида бўлак-бўлак ҳолда нозил бўлди. Шунинг учун оятларнинг нозил бўлиш сабаби ва замони, яъни қайси бири аввал, қайси бири кейин нозил бўлганини билиш ижтиҳод аҳли учун жуда муҳим. Акс ҳолда, қайси масалага қайси оят жавоб бўлишини ва қай бири носих, қай бири мансук эканини билиб бўлмайди. Қуръони каримни тушунишда сураларни маккий ва маданийга ажратиш катта аҳамиятга эга. Оятнинг носих (бекор қилувчи) ва мансук (бекор қилинган) экани уни маккий ёки маданий эканини билишга боғлиқ. Ҳижратдан аввал нозил бўлган суралар маккий, ҳижратдан кейин нозил бўлганлари маданий суралар дейилади. Уламолар Қуръон сураларининг қайсилари маккий ва қайсилари маданий экани устида баҳс-мунозара қилишган. Баъзилар

Қуръондаги 19 та сура: Бақара, Оли Имрон, Нисо, Моида, Анфол, Тавба, Нур, Аҳзоб, Муҳаммад, Фатҳ, Ҳужурот, Мужодала, Ҳашр, Мумтаҳана, Жумъа, Мунофиқун, Талоқ, Таҳрим, Наср суралари маданий эканига уламолар иттифоқ қилганларини айтишган. Қолган суралар маккий бўлиб, уларнинг 71 тасига иттифоқ қилинган. 24 тасида эса ихтилоф бор, улар: Фотиҳа, Юнус, Раъд, Ҳаж, Фурқон, Ёсин, Ҳадид, Соф, Тағобун, Инсон, Мутаффифун, Балад, Лайл, Қадр, Баййина, Залзала, Одиёт, Тақосур, Моъун, Кавсар, Ихлос, Фалақ, Нос. Эҳтимол бу суралар устидаги ихтилофнинг асосий сабаби аксар сураларнинг баъзи оятлари маккий, баъзи оятлари маданий бўлганидандир.

(Давоми бор...)

✍ **Ҳомиджон қори ИШМАТБЕКОВ**нинг “Ислом фикҳи асослари” китоби асосида тайёрланди.

Фарзандингизга ўқиб беринг

Шамсиддин метрода ишдан қайтар экан, беихтиёр поезддаги йўловчиларни кузатди. Деярли барчаси телефон билан банд. Кимдир кулоқчин тақиб кино, клип томоша қиляпти, кимдир ўйин ўйнапти, бошқа бири ижтимоий тармоқда танишлари билан ёзишяпти. Эътибор берса, нафақат ёшлар, балки катта ёшлилар ҳам шу матоҳга ёпишиб олган. Эсида, илгари автобусу метрода китоб ўқиб кетаётган одамларга кўзи тушарди. Энди эса китоб ўрнини телефон эгаллаган.

Уйига келса ҳам шу аҳвол. Тўнғич ўғли телефонида турли видеоларни кўриб ўтирибди. Жаҳли чиқди. “Эртаю кеч топиб олган машғулоти шу. Қачон фойдали иш билан шуғулланасан? Ахир ҳозир сенинг бирдан-бир вазифанг ўқиш эмасми?” дея унга танбех берди. Ўғли: “Ҳеч нима қилмайди-ку, дада”, дея оғриниб телефонини ўчирди. Бошқа хонага кирса, ўртанчаси компьютерда ўйин ўйнар, камига мусиқани баланд қўйиб олган эди. Уни ҳам тергади. Ошхонада эса хотини ва қиз-

часи телевизорга тикилиб, хориж сериалини томоша қилиб ўтиришибди. Баттар ғазоби кўзиди. Зўрға ўзини кўлга олиб, секин бориб телевизорни ўчирди. Сўнг хотинига: “Ҳали қизингга шармандали нарсаларни кўрсатиб тарбия беряпсанми?” деди. Хотини: “Қизингиз кўраман деб инжиқлик қиляпти-да”, деди ўзини оқлаган бўлиб.

Шамсиддин беихтиёр ёшлигини эслади. У ҳам ўша пайтлар ўйин-кулгига ўч эди. Раҳматли бобосининг тергашларини малолланиб эшитар ва тезда унутарди. Бир куни уйда ёлғиз қолганда магнитофон овозини баландлатиб қўйди. Хорижнинг шовқин-суронли ашулалари кулоқни қоматга келтирарди. Бобоси шу ҳолатнинг устига келиб қолди. Шамсиддин тезда мусиқа товушини пасайтирди. Бобоси уни койиб: “Баланд овозда ашулаларни эшитавериш, қар бўлиб қолма, тагин”, деди. Сўнг:

– Бугун қандай режаларинг бор? – деб сўради.

Ёшлиқ – бебошлиқ эмас

– Ўртоқларим билан кино-театрга бормоқчимиз, – деди Шамсиддин.

– Яна ўша беҳаё саҳналари кўп ёки “ўлдир-сўй”дан иборат фильмларми?

– Нимаси ёмон, одамни зериктирмайди-ку, – эътироз билдирди у.

– Сенга усти ялтироқ, ичи қалтироқ нарсалар қизиқарли кўринади. Ақлингни йиғ, болам. Бунинг ўрнига фойдали китобларни ўқи. Кичиклигингда бошимдан ўтказган ибратли воқеаларни айтиб берсам, жон кулоғинг билан тинглардинг. Яхши-ёмонни ажратардинг. Ҳозир-чи? Кулоғингга гап кирмайди. Ёшлигимизда сенга ўхшаган ҳаволаниб қолган тенгдошимиз бўларди. Ўзи каби олифта ўртоқлари билан кўчама-кўча санғишдан бўшамасди. Ота-онаси ҳам, ўқитувчилар ҳам уни тўғри йўлга солишолмади. Охири безори болалар билан муштлашувда бошидан қаттиқ зарб еб, анча вақт шифохонада даволанди. Асаб

томирлари шикастланган шекилли, бир умр мажруҳ бўлиб қолди. Сен ҳам панд еб қолма, дейман-да, болам...

Бу насиҳатлар Шамсиддиннинг у кулоғидан кириб, бу кулоғидан чиқиб кетди. Ўша куни бобосининг кўзини шамғалат қилиб, ўртоқлари билан кинотеатрга борди. Эртаси куни бобоси бунини билиб қолиб, узоқ вақт у билан гаплашмай юрди.

Ҳозир ўша воқеани эсласа, Шамсиддиннинг виждони қийналади. Бобосини ранжитгани, унинг ўғитларига кулоқ солмагани қалбини ўртади: “Қайтар дунё деганлари шу бўлса керак-да. Аллоҳ таоло ёшлиқдаги бебошлиқларим билан бобомга берган озоримни менга фарзандларим орқали қайтаряпти. Қанийди, ўша вақтга қайтиб, бу хатоимни тузатиш имкони бўлганида эди. Афсус, вақт ортга қайтмайди”.

✍ **Сардор ҚУРБОНОВ**

Таълим масканларида



Ғолиб талабалар тақдирланди

“Ҳидоя” ўрта махсус ислом билим юртида 3-босқич талабалари ўртасида ўтказилган “Йил китобхони” танлови ғолиблари:
1-ўрин: Муҳаммадхон Акмалхонов;
2-ўрин: Абдулвоҳидов Муҳаммадюсуф Аюбхон ўғли;

3-ўрин: Муҳаммадали Авазхўжа Аббосхўжаев.

✍ **Юсуфхон ШОДИЕВ**,
“Ҳидоя” ўрта махсус ислом билим юрти ўқитувчиси



Аждодларнинг мўътадил йўли ғоятда муҳим

16 октябрь. Хива шаҳрида давом этган “Ислом – эзгулик ва тинчлик дини” мавзуидаги халқаро

конференцияда Халқаро мусулмон уламолари кенгаши раиси Али Мухйиддин Қородоғий, Мусулмон

донишмандлари кенгаши ҳузуридаги Тинчлик тадқиқотлар маркази ижрочи директори Самир

Будинар, Миср муфтийси доктор Назир Муҳаммад Айёд, Ҳиндистон “Дар ал-Худа” Ислом университети проректори Жамолуддин Надави, Булғор ислом академияси доктори Сайфул Асрий, Қозоғистон мусулмонлари диний идораси раиси, бош муфтий Наврўзбай Таған ўғли, Истанбул университети профессори Эмек Ушенмез, Туркия Текирдағ университети профессори Халит Эрен, Франция миллий илмий тадқиқотлар маркази лойиҳа директори Карим Ифрак маъруза қилдилар.



17 октябрь. Термиз шаҳрида “Имом Термизий илмий меросининг ислом цивилизациясида тутган ўрни” мавзуидаги халқаро анжуманда соҳа мутахассислари, илмий тадқиқотчилар, шунингдек, Туркия, Қатар, Миср, Бирлашган Араб Амирликлари, Ҳиндистон, Қирғизистон каби давлатлардан ташриф буюрган 50 дан ортиқ таълим олимлари иштирок этишди.



Тафаккур

Абу Хурайра розияллоху анхундан ривоят қилинган ҳадисда Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: **“Сизларнинг кутганингиз туғёнга кетказувчи бойлик, унуттирувчи камбағаллик, барбод қилувчи касаллик, заифлаштирувчи қарилик, ҳозир турган ўлим, Дажжол ёки қиёматдан бошқаси эмас. Дажжол келажакдаги ғайбий ёмонлик ҳамда қиёмат даҳшатлироқ ва аччиқроқдир”**, деганлар (Абдуллоҳ Ибн Муборак ривояти).

Туғёнга кетказувчи бойлик: бойлик васвасасига учсангиз, бор эътиборингизни уни кўпайтиришга қаратиб, яхшилик қилишга фурсат топа олмайсиз. Ҳатто бир сўм хайр-садақа қилишга ҳам улгурмай қолишингиз мумкин. Ҳаммасини бойликка боғлаб, роҳат-фароғатни кутиб яшаманг. Эҳтимол бойлик сизни туғёнга чорлар, роҳат-фароғат сизга Аллоҳни унуттирар, кенглик сиздан яхшилик қилиш ришталарини кесар?! Инсон ҳамма нарсага эришганидан кейин ўзидан кетиб, яхшиликни қадрламай қўйиши бор гап.

Унуттирувчи камбағаллик: мол-дунё тўпларкансиз, уни Аллоҳ

йўлида сарфлашни эртага ёки индинга қиламан дея кечиктирасиз. Ҳар доим бой бўлиб яшашингиз қанолатланганми? Чарх тескари айланиб, камбағаллик етиб, ҳеч нарсангиз қолмаса-чи?! У пайтда хаёлингизга хайр-эҳсон сиғмайди-ку! Ҳа, демак, имкон борида хайр-садақа ва яхшилик қилишга интилинг. Эртага нима бўлишини билмайсиз. Эҳтимол, сиз режалаштирган ишларнинг батамом акси бўлиши мумкин.

Барбод қилувчи касаллик: бугун соппа-соғсиз, тинчлик-офиятдасиз. Эрта ё индин бемор бўлиб, заифлашиб қолишингиз мумкин. Нимани кутяпсиз?! Соғлом ҳолатингиздан айирувчи, офиятингизни ўзгартирувчи, сиздан куч-қувватни олиб қўювчи касалликними?

Заифлаштирувчи қарилик: сиз куч-қувватга тўла, навқиронсиз. Шайтон сизни ҳали ёшсан, ўйнаб-кулиб ол, деб аврайдди. Тавба, намоз, масжидга қатнаш ва хайр-садақа вақти қариликда бўлади, дейди. Лекин ёшлик кўз очиб юмгунча ўтиб кетиб, қарилик эшик

Нимани кутяпсиз?

қоқиши ҳақида ўйлаб кўрганми-сиз?! У пайтда куч-қувватдан қоласиз, Аллоҳ буюрган амалларни тўла-тўқис бажаришга қодир бўлмайсиз.

Ёшлиқдаги тавба пайғамбарлар хислатидир. Саъдий Шерозий айтганидек, золим бўри ҳам қариганда тавба қилади. Чунки унинг қўйларни овлашга қуввати етмайди. Қариликдаги тавба ўз соҳибига камолотни бермайди. Аммо куч-қувватга тўлган вақтда тақводорлар йўлини тутиб, гуноҳлардан тийилган ёш йигит пайғамбарлар хулқи ила хулқланган бўлади.

Ҳозир турган ўлим:

сиз амалларингизни тўхтатишга ҳозир турган ўлимнингизни кутяпсизми?!

Дажжол: сиз даҳшатли мусибат ва барча нарсани унуттирувчи фитна кунлари амал қила оласизми?! Йўқ, у кунлари нафсинг ислоҳи, яхшиликлар сари юриш, ёмон амалларни қилмаслик,

тақво ила безаниш каби ишлар қутилмайди.

Ҳаёт лаҳзалари ўта қиммат, бебаҳо. Шунинг учун уни Аллоҳ яхши кўрадиган ва рози бўладиган нарсаларга сарфланг. Олийҳимматли бўлинг. Шунда шайтон ва унинг иғволарига қарши тура оласиз. Ҳой-ҳавасларга алданиб яшаш нақадар ёмон ҳаёт-а?! Тавфиқ Аллоҳдан.

Муҳаммад Тақий Усманий
ҳафизахуллоҳнинг асар ва мақолалари
ассосида Тошкент ислом институти
катта ўқитувчиси Абдулҳодий ҒИЁС
тайёрлади.

ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳамда «Шамсуддинхон Бобохонов» нашриёт-матбаа ижодий уйи жамоаси Фарғона вилояти бош имом-хатиби ўринбосари Алишер домла Наимовнинг волидаи муҳтарамаси вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради. Аллоҳ таоло марҳума онахонни раҳматига олсин.

Иннә лилләҳи ва иннә илайҳи рўжиъун!

Muassis:

Ўзбекистон мусулмонлари
идораси “Shamsuddinxon
Boboxonov” NMIU

Bosh direktor: Sultonbek
IMOMNAZAROV

Шамсуддин Бобохонов

Bosh muharrir:
Abdul Jalil XO'JAM

Tahrir hay'ati:

Shayx Nuriddin XOLIQNAZAR
Sodiq TOSHBAYEV
Homidjon ISHMATBEKOV
Shayx Abdulaziz MANSUR
Obidjon QODIROV
Muhammadolim MUHAMMADSIDDIQOV
Zayniddin ESHONQULOV
Muhammadsharif JUMAN
Xolmat ATABAYEV
Komiljon BURHONOV
Tolibjon NIZOMOV
Hikmatulloh TOSHTEMIROV
Muzaffar KAMOLOV
Salohiddin SHERXONOV
Azizbek XOLNAZAROV
Jamoatchilik kengashi:
Alisher ESHIMOV
Islomiddin ZUHRIDDINOV
Rustam JAMILOV

Toshkent—100069, Zarqaynar
18-berkko'cha, 47-a uy.
(71) 227-34-30 (71) 240-05-19.
m-nashr@mail.ru
www.hidoyat.uz

Nashr ko'rsatkichi: 195
ISSN 2091-5225
2020-yil 3-sentabrda
0017-raqam bilan
ro'yxatga olingan.
Gazeta oyda ikki marta chop etiladi.
Bahosi kelishilgan narxda.

Navbatchi muharrir:
Dilmurod SODIQOV
Musahhiha:
Zabo OMONOVA
Sahifalovchi:
Komiljon MAHMUDOV
Ekspertizaga berildi:
10.10.2024
Xulosa (№03-07/6239) olindi:
16.10.2024
“SHAMSUDDINXON
BOBOXONOV” NMIU
bosmaxonasida chop etildi.

Adadi: 12.450
24-3/20-buyurtma.
Bosmaxona manzili:
Toshkent shahri, Zarqaynar
18-berkko'cha, 47-a uy.



Газетада оятлар, ҳадислар бор.
Ножиоз жойларга қўйманг!

The newspaper contains ayahs and
hadiths. Please, do not put it
in inappropriate places!

لا تضعوها في مكان غير مناسب!

Газета содержит аяты и хадисы. Не
оставляйте в неподходящих местах!